

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14/03-52

« 7 » май 201 8 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазири
Ш.Хамраевга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Хурматли Шавкат Раҳимович,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари Сирдарё вилояти Сирдарё туманида ҳудудни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан 2018 йил 20-30 апрель кунлари ўрганишлар ўтказилди. Ўтказилаётган ўрганишлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида кенг кўламли амалий ишлар амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда. Шу билан биргаликда ўрганишлар жараёнида соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, Сирдарё тумани Истиклол ва Янгихаёт СИУ ҳудудларидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга хизмат қилувчи мавжуд 6 донга тик дренаж қудуқларининг айримлари таъмирталаб бўлса, айримлари умуман яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Шу билан биргаликда очик коллекторлар таъмирлаш ҳамда қайта тиклашга муҳтож ҳолатга келиб қолган. Бу эса ўз навбатида ер ости сизот сувлари сатҳи кўтарилиб, баҳор ойларида узоқ вақтга қадар ерларга экин экилмаслигига сабаб бўлмоқда (жорий йилнинг 20-30 апрель кунлари туширилган фото суратлар илова қилинмоқда). Мазкур ҳолатлар 80 яқин фермер хўжаликлари фаолият юритаётган 2700 га яқин қишлоқ хўжалиги ерларидан ҳамда 7800 нафардан ортиқ аҳоли яшаётган ҳудуддаги томорқа ерларидан самарали фойдаланишга салбий тасир ўтказмоқда ҳамда экинларнинг ҳосилдорлигини кескин пасайишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни 15-моддасига асосан, Сиздан мазкур масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилашингизни ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида 20 кунлик муддатда асослантирилган ёзма маълумот беришингизни сўраймиз.

К.Эрназаров